

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/31.03.2021.Fil.78.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АМИРОВА ЗОҲИДА ОРИИОВНА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА “HEART-ЮРАК” КОНЦЕПТИНИНГ
ВЕРБАЛЛАШУВИ ВА ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2022

УДК: 811.111'1

811.512.133'1

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам
Contents of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on Philological Sciences**

Амирова Зохида Ориповна

Инглиз ва ўзбек тилларида “heart-юррак” концептининг вербаллашуви ва
лингвокультурологик хусусиятлари.....3

Амирова Зохида Ориповна

Вербализация и лингвокультурологические особенности концепта «сердце» в
английском и узбекском языках.....24

Amirova Zokhida Oripovna

Verbalization and lingvoculturological features of the concept "heart-yurak" in
English and Uzbek.....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....49

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/31.03.2021.Fil.78.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АМИРОВА ЗОҲИДА ОРИИОВНА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА “HEART-ЮРАК” КОНЦЕПТИНИНГ
ВЕРБАЛЛАШУВИ ВА ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2022

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Fil2095 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<https://tersu.uz>) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим порталининг (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Палуанова Халифа Дарибоевна
филология фанлари доктори, доцент

Расмий тақризчилар:

Худойқулов Абдулла Эшқувватович
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Сиддиқова Ирода Абдуазизовна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогока университети

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/31.03.2021.Fil.78.04 рақамли Илмий кенгаш асосида ташкил этилган Бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел: (876) 221 -74-55; факс (876) 221-71-17; e-mail: termizdu@umail.uz

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел: (876) 221 -74-55; факс (876) 221-71-17

Диссертация автореферати 2022 йил «20» 12 куни тарқатилди.

(2022 йил «20» 12 даги 18 рақамли реестр баённомаси).



Б. Умурқулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

А.А. Эшмўминов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш котиби филология фанлари доктори (DSc), доцент

Ш.Т.Махмаранмова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги бир марталик Илмий семинар раис ўринбосари, филология фанлари доктори (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигининг антропоцентрик парадигмада ривожланиши киёсий ва чоғиштирама аспектда табиий борликдан кўра кўпроқ тилнинг нутқий воситалари, сўзнинг таъсирчанлиги, оламнинг лисоний тасвири ва унинг асосий тузилмасини шакллантиришдаги ўрнига доир тадқиқотларга бўлган эҳтиёжни орттирмоқда. Тил ва маданият муносабати масаласи аксарият ҳолларда турли лингвомаданий анъаналар намоёндаларининг борликни англашда муштарак (универсал) ва ўзига хос хусусиятлар ўртасидаги боғлиқликни излашга қаратилган.

Дунё тилшунослигида оламнинг лисоний тасвири ва унинг асосий тузилмаси ҳисобланган «концепт» ҳозирги тилшуносликда тилнинг вазифаси, маълум миллат маданиятининг тараққий қилиши билан боғлиқ ҳолда воқелантирилиб, ушбу муаммо доирасида илмий-назарий изланишлар ўтказишни тақозо этади. Жумладан, турли лингвомаданиятларда “юррак” концептининг таркибий қисми сифатида тил бирликлари корпусини аниқлаш, мазкур концепт қиёсланаётган тилларнинг лисоний манзараси тасвирида акс этиши ҳамда вербаллашуви, шунингдек “юррак” концептининг семантик хусусиятларини очиқ бериш маданиятлараро мулоқотни мувофиқлаштиришга имкон яратади.

Ўзбекистонда давлат тилини ривожлантириш сиёсати она тилимизнинг бойлиги, ранг-баранглигини кўрсатиб берувчи қатор илмий тадқиқотлар бажарилишига замин яратди. Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “...фарзандларимиз тарбияси, маънавий-маърифий соҳадаги ишларимизни бир зум ҳам сусайтирмасдан, уларни янги босқичга кўтаришимиз зарур”¹. Шунингдек, миллат тилининг, яъни маънавият белгиси бўлган нутқий тилнинг турли-туман ифода воситаларидан фойдаланиб, унинг хали маълум бўлмаган жиҳатларини, ўзига хосликларини очиқ бериш билан биргаликда жаҳон тиллари билан чоғиштирама таҳлили асосида тадқиқот ташкил этиш, бу борадаги илмий изланишларни янада чуқурлаштириш заруриятини белгилаб беради.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон, 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6084-сон, 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сон Фармонлари, 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг

¹Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.17.

сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион гоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Лингвокультурологияда концептларнинг турли хил ифодаланиши, оламнинг лисоний тасвири, тил, тафаккур ва маданият ҳақидаги муҳим маълумотлар даставвал Н.Д.Арутюнова², Ю.С.Степанов³, А.Вежбицкая⁴, У.С.Кубрякова⁵, В.Н.Телия⁶, С.Г.Воркачев⁷, В.А.Маслова⁸, И.А.Стернин⁹, В.Т.Клаков¹⁰, Д.У.Ашурова¹¹, Ш.С.Сафаров¹², А.Абдуазизов¹³, Н.М.Махмудов¹⁴, Ш.Т.Махмараимова¹⁵ ва А.Маматов¹⁶ каби тилшунос олимларнинг илмий жиҳатдан асосланган тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

Мазкур ишлар эътиборга молик, кизикарли, назарий фикр-мулоҳазаларни ўз ичига олган, аммо тадқиқотимизнинг асосини ташкил этувчи “юррак” концепти, унинг структурал-семантик, функционал-прагматик социолингвистик, лингвокультурологик ва концептуал-когнитив тавсифига бағишланган илмий изланишлар етарли эмас. Бироқ, муаммо доирасида мулоҳаза олиб борилган тадқиқотларда “юррак” концепти у ёки бу масалаларни ўрганиш давомида қисман таҳлил этилган. Хусусан, А.Вежбицкая¹⁷ ушбу

²Арутюнова Н.Д. Логический анализ языка. Культурные концепты. – Москва: Наука, 1991. – С. 4.

³Степанов Ю.С. Константы. Словарь русской культуры. Опыт исследования. – Москва: Академический проект. Изд. 2-е, испр. и доп., 2001. – С. 99.

⁴Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание. Пер. с англ. Отв. ред. М.А. Кронгауз, вступ. ст. Е.В. Падучевой. – Москва: Языкикий словари, 1996. – С. 41.

⁵Кубрякова Е.С. Эволюция лингвистических идей во второй половине XX века // Сб. статей. –Москва: Рос. гос. гуманист. ун-т., 1995. – С. 23.

⁶Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологические аспекты. – Москва: Школа “Язык русской культуры”, 1996. – С.96.

⁷Воркачев С.Г. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании // Филологические науки. 2001. - № 1. – С. 70.

⁸Маслова В.А. Лингвокультурология. Учеб.пособие для студ. высш. учеб., заведений. – Москва: Издательский центр Академия, 2001. – С. 208.

⁹Попова С. Очерки по когнитивной лингвистике. – Воронеж, 2001. – С. 9.

¹⁰Клаков В.Т. Основные направления лингвокультурологических исследований в рамках семиотического подхода и прикладная лингвистика// Вып. 2. Язык и социальная среда. – Воронеж: Изд-во ВГТУ, 2000. –С. 60-67.

¹¹Ашурова Д.У. Научный статус стилистики в современном языкознании. – Ташкент, 2017.– С. 31-34.

¹²Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. Рисола. – Жиззах: “Санзор” нашриёти, 2006. – Б. 70.

¹³Абдуазизов А.А. Зализняк А.М., Шереметьева А.Г. Общее языкознание. – Ташкент, 2012.– С. 32.

¹⁴Махмудов Н.М. Оламнинг лисоний манзараси ва сўз ўзлаштириш //Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2015. – Б. 3-12.

¹⁵Махмараимова Ш.Т. Лингвокультурология [матн] ўқув қўлланмаси. – Тошкент: Чўлпон номидаги НМИУ, 2017. – Б. 164.

¹⁶Маматов А. Фразеологик бирликларнинг семантик-прагматик тадқиқи. – Тошкент: Научных Публикаций JSPI, 2020. – Б. 7.

¹⁷Вежбицкая А. Культурно- обусловленный сценарии и их когнитивный статус // Язык и структура сознания/ Р.М. Фрумкина (отв. ред.). – М.: ИЯ АН СССР, 1990. – С. 63-85.

концептни эмоционал концептлар тадқиқи доирасида таҳлил этишга уринган бўлса, Е.Б Яковенко мазкур концептни қалб ва кўнгил билан боғлашга ва инглиз ва немис лисоний муҳитида юрак, қалб ва кўнгил масаласини қиёсий таҳлил этишга ҳаракат қилган.

Концептлар доирасида бажарилган ишлардан фарқли равишда, мазкур диссертацияда “heart-юрак” концепти ўзбек ва инглиз тиллари мисолида чоғиштирилади ва ушбу жараён икки ноқардош лисоний муҳитда концептнинг семантик майдони ҳақидаги тасаввурни кенгайтиришга ҳамда чоғиштирилаётган ҳар бир тил муҳитида муштарак ва хусусий жиҳатларини очиб бериш имконини юзага чиқаради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Қарши давлат университети илмий тадқиқот ишлари режаси таркибига кирувчи “Инглиз тилшунослиги долзарб муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларида “heart”/“юрак” концепти вербаллашувининг лингвокультурологик аспектда фарқли ва ўхшаш жиҳатларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инглиз ва ўзбек тилларида “heart”/юрак” концепти вербаллашувининг лингвомаданий аспектда ифодаланишининг илмий-назарий асосларини ўрганиш;

инглиз ва ўзбек тилларида “heart-юрак” таркибий қисмли тил бирликлари корпусини аниқлаш;

ўрганилаётган олам лисоний тасвирида “heart”/“юрак” концептининг семантик майдонлари хусусиятларини таҳлил қилиш;

инглиз ва ўзбек тиллари олам лисоний тасвирида “heart”/“юрак” концептига ўзига хос воқеланишининг муштарак алоҳидалик хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек тиллари олам лисоний тасвирида “heart”/“юрак” концептли вербал лисоний бирликлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети “heart”/юрак” концептли вербал бирликларнинг инглиз ва ўзбек тилларида ўзига хос воқеланишининг муштараклик ва алоҳидалик хусусиятлари лингвомаданий жиҳатдан ўрганилиши ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Мавзунини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, зидлаш, лингвистик таҳлил, қиёсий таҳлил, чоғиштирма, концептуал-когнитив маданий ҳамда лингвопрагматик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларида оламнинг лисоний тасвирида “heart”/юрак” концептини категориялаштириш орқали улар ўртасидаги концептуал, фразеологик ва компонент жиҳатдан фарқли ва метафорик, лингвомаънавий каби ўхшаш жиҳатлари аниқланган;

муайян этнос менталитетининг контекстида дунё манзарасини тасвирашнинг лисоний концептуал усули турли лингвомаданий конфигурацияларнинг пайдо бўлишига таъсир этиши ўзбек ва инглиз тилларида “heart”/“юррак” концептининг когнитив, қиёсий таҳлили мисолида очиб берилган;

ўзбек тилидаги олам лисоний тасвирида “heart”/“юррак” концепти инглиз тилидаги олам лисоний тасвиридан фарқли тарзда “умид”, “ирода”, “кўрқув”, “жасорат”, “куч”, “хотира”, “тафаккур”, “виждон”, “олдиндан сезиш” концептлари таркибига кириши уларнинг нутқий жараёнда универсал лингвомаданий концептлар экани далилланган;

инглиз ва ўзбек тилларининг ички ресурсларига таянган ҳолда “heart”/“юррак” компонентли тил бирликлари баъзаси, “heart-юррак” концептининг семантик майдони хусусиятлари ва унинг лингвомаданий аспектда муштарак, ифодаланишига кўра миллий ва ментал жихатидан ўзига хос хусусиятлари исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“heart-юррак” концептининг мазмун – моҳияти, лингвомаданий хусусиятлари илмий-назарий жихатдан ёритиб берилган;

тил призмаси орқали оламнинг лисоний тасвирини шаклланиши, тилнинг этник хусусияти тилларнинг универсал мантиқий бирликларига таъсир этишлиги кўрсатиб берилган;

инглиз ва ўзбек тилларида юрак концептини ифодаловчи сўзлар мисоллар ёрдамида чоғиштира аспектда тадқиқ қилинган;

юррак концептининг инсон онгига таъсир ўтказиш усулларининг назарий асослари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда фойдаланилган маълумотларнинг ишончли манбалардан олинганлиги, танланган манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, чиқарилган хулосаларнинг таснифлаш, тавсифлаш, контекстуал, чоғиштира таҳлил каби усуллар билан асосланганлиги, муаммонинг аниқ қўйилганлиги, келтирилган таҳлил, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инглиз ва ўзбек тилларида қиёсий таҳлил этилган “юррак” концептининг лингвомаданий таҳлили чоғиштира ва монографик планда тадқиқ этилгани, унинг жанрлари таснифлангани, таъсир механизми ҳамда самарадорлиги омилларининг аниқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган хулосалардан олий таълим муассасаларининг филологик йўналишлари талабаларига “Ҳозирги ўзбек адабий тили”; “Чоғиштира тилшунослик”, “Таржимашунослик” фанларидан дарслик ва қўлланмалар яратишда; лингвомаданий таҳлиллар ўтказишда ва лингвомаданиятшунослик бўйича махсус курс ва семинарлар ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тилларида “heart”/“юрак” концептининг вербаллашуви ва лингвокультурологик хусусиятлари тадқиқи юзасидан олинган натижалар асосида:

инглиз ва ўзбек тилларида оламнинг лисоний тасвирида “heart”/“юрак” концептини категориялаштириш орқали улар ўртасидаги концептуал, фразеологик ва компонент жиҳатдан фарқли ва метафорик, лингвомаънавий каби ўхшаш жиҳатлари аниқланганлигига оид янгиликдан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида 2019-2021-йилларга мўлжалланган И-ОТ-2019-42 рақамли “Ўзбек ва инглиз тилларининг электрон (Инсон киёфаси, феъл-атвори, табиат ва миллий тимсоллар тасвири) поэтик лугатини яратиш” номли амалий грант лойиҳасида фойдаланилган. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ОЎМТВнинг 16.07.2021-йил 311-сонли бўйруғига мувофиқ таянч олий таълим муассасаси маълумотномаси билан асосланади. (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети 18.03. 2022 йилдаги № 01/1-502 маълумотномаси) Натижада лойиҳа доирасида инглиз ва ўзбек тиллари олам лисоний тасвирида “heart”/“юрак” концептига ўзига хос вокеланишининг муштарак алоҳидалик хусусиятларини очиб берилди;

муайян этнос менталитетининг контекстида дунё манзарасини тасвирлашнинг лисоний концептуал усули турли лингвомаданий конфигурацияларнинг пайдо бўлишига таъсир этишлиги ўзбек ва инглиз тилларида “юрак” концептининг когнитив, киёсий таҳлили мисолида очиб берилганлигига оид янгиликдан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида 2012-2016 йилларда бажарилган ФА-Ф1-Г003 “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” мавзусидаги фундаментал тадқиқот бажаришда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими 20.05.2022 йилдаги № 17-01/81 маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида инглиз ва ўзбек тилларида “heart”/“юрак” таркибий қисмли тил бириклари баъзаси аниқланган;

ўзбек тилидаги олам лисоний тасвирида “heart”/“юрак” концепти инглиз тилидаги олам лисоний тасвирдан фарқли тарзда “умид”, “ирода”, “кўрқув”, “жасорат”, “куч”, “хотира”, “тафаккур”, “виждон”, “олдиндан сезиш” концептлари таркибига киришлиги уларнинг нутқий жараёнда универсал лингвомаданий концептлар экани далилланганлигига оид янгиликларидан Қашқадарё телерадиокомпанияси “Қашқадарё” телеканалда ташкил этиладиган “Файзли кун” кўрсатувининг “Хорижий тилни ўрганиш замонавий линвокультурология соҳасининг ютуқлари” деб номланган кўрсатуви инглиз ва ўзбек тилларида лингвокультурология соҳасига оид концептларни этномаданийлик борасидаги тавсиялар берилган (“Қашқадарё” телеканалининг 16.03.2022 йилдаги, 17-05/84-сон маълумотномаси). Натижада олам лисоний тасвирида “юрак” алоҳида концепт сифатида универсал ҳамда ҳар бир тилга хос лингвомаданийлашган лисоний ходиса эканлигининг мазмун-моҳиятини очиб бериш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 13 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 2 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, асосий матни 151 саҳифадан ташкил тоёган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган; тадқиқотнинг фан ва технологиялар таракқиётининг устувор йўналишларига мослиги аниқланиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритиб берилган; илмий натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши ва апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Антропоцентриқ тадқиқотларнинг методологияси хусусида**” деб номланган биринчи бобида замонавий тилшунослиқ тилни туташ фанлар билан – энг аввало, маданият этимологияси ва этнография билан – бир яхлит ҳолга келтириш натижасида лингвокультурология шаклланганлиги ва уларнинг ўзаро боғлиқлик назарияси ёритиб берилган. Турли маданиятларни қиёслаш тил ва маданиятда миллий ўзига хослик масаласининг қўйилишига олиб келади. Бир томондан, маълум маданият вакиллари учун релевант бўлган нолисоний шароитнинг баъзи қирралари тилда намоён бўлса, бошқа томондан, сўзловчилар тилни ва хусусан, сўзларнинг маъноларини ўзлаштирар экан, у дунёни она тили орқали кўра бошлайди ва маълум маданиятга хос белгиларни ўрганайди¹⁸.

Мазкур тадқиқот оламнинг лисоний тасвири(ОЛТ)нинг маълум бир қисмига бағишланган бўлиб, биз “тил” тушунчасини чуқурроқ кўриб чиқишимизга имкон яратади.

Тил билан маданиятнинг ўзаро муносабати ҳақида гапирганда “маданият” тушунчаси хусусида батафсил тўхталиш зарур. Ушбу тушунчани талқин қилиш юзасидан кўплаб уринишлар мавжуд. Масалан, Г.В.Елизарова “маданият” тушунчасини интуитив жиҳатдан шаффоф бўлиб туюладиган аксиоматик тушунчалар қаторига киритади. Бироқ, бундай комплекс тушунчага таъриф келтириш ниҳоятда мураккаб ҳолдир. Маданиятнинг “Маданият – бу бизнинг

¹⁸ Абдуазизов А. А. Ўзбек тилининг фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 6;
Сафаров Ш. Прагматингвистика // Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Т. – Б. 320.

бу ерда кандай яшашимиздир»¹⁹ каби қайсидир бир жихатга тўхталмасдан ушбу тушунчанинг жами кўп қирралилигини камраб олишга интиладиган таърифлар ҳам мавжуд. М.К.Мамардашвили ва А.М.Пятигорскийлар қайд қилишадики, “маданият – бу объектив тарзда йўналтирилган фикрлаш автоматизми жорий қиладиган нарсадир”²⁰.

Барча маданият тадқиқотчилари қайси аниқ илмий мактабга мансублигидан қатъи назар, тилнинг ушбу мураккаб ҳолат тузилмасидаги алоҳида ролини эътироф этишади.

Э.Сепирнинг ёзишича: “тилнинг маданият шаклланишида ва унинг тарихан мерос қолдирилишидаги роли шубҳасиз ва жуда катта. Бу маданиятнинг энг юксак даражалари ва унинг содда шаклларига ҳам бирдек тегишлидир. Энг содда жамият маданият фондининг катта қисми кўпроқ ёки камроқ аниқлик билан белгиланган тил шаклида сақланиб қолади”²¹. “Энг содда маданият” атамасининг қўлланилиши савол тугдириши мумкин. Бизнинг фикримизча, ҳар хил маданиятлар амал қилади-ю, лекин асло “энг содда” ёки “ривож топган” маданиятлар бўлмайди.

З.К.Тарлановнинг фикрича, “тил – бу коммуникациянинг оддий бир шакли ва оддий воситаси эмас, бу шунинг устига яна мутлақо яхлит мустақил бир олам бўлиб унинг қонун ва қоидалари ўз моҳиятига кўра тил воситасида ифодалансада, унинг эгаларининг ижтимоий психологияси ва улар яратадиган маданият типи ҳамда таркиби билан гоят нозик боғланган бўлади. Этномаданият этник тилсиз ёки умуман бўлмайди, ёки мавжуд бўлса ҳам, ишончга сазовор эмас, чунки этнос фақат ўз тили орқалигина тўлиқ ва кенг микёсда, назокат билан ва бетакрор ўзини намоён этади. Бошқа томондан олганда, этник маданият, этник дунёқараш ва билиш фаолияти тажрибасидан ажралиб қолган тил ўзининг теран моҳиятини йўқотади ва бу билан оддий мулоқот воситаларидан бирига айланади”²².

Тил, тафаккур ва маданият ўзаро шунчалик чамбарчас боғланиб кетганки, амалда улар учта таркибий қисмдан иборат яхлит бир ҳолатни ташкил қилади, бу таркибий қисмларнинг ҳеч бири бошқа иккита таркибий қисмсиз фаолият юритиши (бинобарин, амал қилиши) мумкин эмас. Уларнинг ҳаммаси биргаликда атрофдаги олам билан ўзаро нисбатда бўлади, уни акс эттиради ва айни бир вақтда шакллантиради. Бунда улар дунё манзаралари деб аталадиган ҳодисаларни ҳосил қилади.

С.Г.Воркачев лингвокультурология – этнолингвистиканинг энг янги тармоғи деб ҳисоблайди²³. Муаллиф бу илмий соҳа масалаларига тил ва

¹⁹Елизарова Г.В. Культурологическая лингвистика (Опыт исследования понятия в методических целях). – Санкт-Петербург: Бельведер, 2000. – С. 140.

²⁰Мамардашвили М.К., Пятигорский А.М. Символ и сознание. Метафизические рассуждения о сознании, символикe и языке. – Москва: Школа «Языки русской культуры», 1999. – С. 216.

²¹Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. – Москва: Прогресс, 1993. – С. 654.

²²Тарланов З.К. Язык культура. – Петрозаводск: ПГУ, 1984. – С. 120.

²³Воркачев С.Г., Кусов Г.В. Концепт «оскорбление» и его этимологическая память. Теоретическая и прикладная лингвистика. Язык и социальная среда. – Воронеж: Изд-во ВГТУ, 2000. – Вып. 2. – С. 90-102.

маданият, тил ва этнос, тил ва халқ менталитети муносабати тадқиқи ва тавсифини киритади.

В.И.Карасикнинг²⁴ қайд қилишича, лингвокультурология – бу тил ва маданиятнинг ўзаро боғлиқлиги ва таъсири натижасида юзага келган илмий билимнинг комплекс мажмуаси – ҳозирги кунда ривожланиш жараёнини бошидан кечирмоқда.

Лингвокультурологик йўналишнинг ривожланиши В.Т.Клоковнинг фикрича²⁵, маданият феноменининг моҳиятини англашга интилишни инсон мавжудлиги ва дунёдаги жамиятнинг махсус шакли билан шартланади. Шу билан бирга муаллиф шу кунгача фалсафий характердаги фактларнинг илмий хусусиятини алоҳида таъкидлайди. Маданиятни семиотик тизим сифатида тушуниш, бир томондан жамият учун фойдали бўлган ахборотнинг муайян қисмини ўзида жамлайди, бошқа томондан – жамиятнинг ўзини топиш ва кондириш воситаси сифатида илмий ёндашув ўзини аниқ намоён қилди.

Маданиятга оид сўзлар жамиятнинг ўтмиш тажрибасига оид тушунчаларни камраб олган турли нарсалар ҳақидаги маълум усуллар орқали мулоҳаза ҳамда ҳаракатларга тегишли воситалар ҳисобланади ва улар бу усулларнинг абадийланишига имкон яратадилар.

В.З.Демьянков “бадий адабиёт ва илмий тилда концепт ва тушунчани кўриб чиқишга уринган ва у кизиқарли хулосаларга келган”²⁶.

Культурологик нуқтаи назардан концепт маданият образидан маданият гоёлари ҳақидаги тушунчага ўтиш сифатида намоён бўлади; типологик асосларга кўрилган бу концепция «концепт» муаммосини миллий гоёни амалга оширсан, лингвистик нуқтаи назардан бу борада билдирилган барча фикрларни санаб келтиришнинг имкони йўқ; улар орасида концепт – бу сўзнинг ички шакли ҳамда, шундай экан, бинобарин у ўз “қобиги”дан ташқарида бирор шаклга эга бўлиши мумкин эмас, деган қараш устунлик қилади.

Юқорида келтирилган ҳамма қарашлар, муаллифнинг фикрича, у ёки бу маънода фалсафий ҳам ҳисобланади, чунки у концепт муаммосига дахлдор бўлади.

В.И.Карасик концептни лингвокультурологиянинг муҳим категорияси сифатида белгилаб, унинг турли хил пайдо бўлишини қайд қилади²⁷. Бир томондан, дунёқараш универсалиялари каби нисбатан аниқроқ ва нисбатан мавхумроқ концептларга ажратилади. Бошқа томондан, муаллифнинг фикрича, концептларни уларнинг жанрли қайд усулларига кўра қарама қарши қўйиш мумкин, масалан, матн концептлари лисоний онг, қонун ва ахлоқ меъёрларида.

²⁴Карасик В.И. О категориях лингвокультурологии. Языковая личность: проблемы коммуникативной деятельности. Сб. научных тр. – Волгоград: Перемена, 2001. – С. 3-16.

²⁵Клоков В.Т. Основные направления лингвокультурологических исследований в рамках семиотического подхода и прикладная лингвистика. Вып. 2. Язык и социальная среда. – Воронеж: Изд-во ВГТУ, 2000. – С. 60.

²⁶Демьянков В.З. Понятие и концепт в художественной литературе и научном языке // Вопросы филологии. – 2000, №1 (7). – С. 35.

²⁷Карасик В.И. Определение и типология концептов Текст. //Этнокультурная концептология. Вып. 1. – Элиста. – С. 14—21.

Концепт ва унинг лингвистикадаги талқинларини умумлаштирар экан, С.Г.Воркачев куйидаги хулосага келади: “концепт – бу жамоавий билим, лисоний ифодага эга ва этномаданий хусусиятлар билан қайд қилинган онг бирлиги (олий маънавий кадриятларга тегишли)”²⁸.

А.А.Ветровнинг фикрича эса, концептларнинг маданий семантик тахлили кўп ҳолларда сўз ва идиомаларнинг шундай аталувчи “ички шаклини аниқлаштиришга асосланади, яъни сўз маънолари, уларнинг тузилишини тушунган, тил тизимининг лисоний элементлари ўртасидаги семантик муносабатини жонли англаган ҳолда мотивланганлиги ҳисобга олинади”²⁹.

Дунёнинг лисоний тасвирини ўрганиш маълум тил тузилиши ва сўзлашувчиларининг миллий-маданий онгига тегишли қонуниятларини, шунингдек тилнинг дунёни қабул қилиш ҳамда категориялаш тамойиллари ишлаб чиқиши ва яратилиши, категоризация ва концептуализация жараёнида билим олиш усулларининг таъсирини келтириб чиқаради.

Г.В. Колшанскийнинг фикрича “дунё тасвири” - инсон ва унинг турмушининг ўзига хос хусусиятлари, унинг теварак-олам билан ўзаро муносабатлари, шунингдек унинг ушбу дунёда ҳаёт кечириш шарт-шароитларини акс эттирадиган асосий тушунчадир. “Дунё тасвири - бу инсоннинг дунёни идрок этишига асос бўладиган, бундай тасвири ташувчилари тушунчасида дунёнинг моҳиятга оид хусусиятларини акс эттирадиган ва инсоннинг бутун маънавий фаоллиги натижаси ҳисобланадиган оламнинг асосий глобал образидир”³⁰. Муаллиф алоҳида қайд қиладики, бу ҳар доим объектив воқеликнинг субъектив образи бўлади, чунки дунё тасвири воқеликдаги воқеа-ҳодисаларнинг кўзгудаги акси эмас, балки атиги бир талқини, холос. Турли тилларда теварак олам турлича қисмланиши мумкин. Бу фарқлар тушунча мазмунига, билим доирасига ёки мазкур сўзни қўллаш доираларига тегишли бўлиши мумкин.

Диссертациянинг “**Ҳозирги замон тилшунослигида “heart”/”юрак” концептини тадқиқ этишнинг назарий асослари**” деб номланган иккинчи бобида “юрак” концептининг чогиштирилаётган тилларда “юрак” концептининг тахлили когнитив семантикадаги тутган ўрни хусусида фикр юритилади.

Анъанавий маънода тушуниладиган концептуал тахлил – бу “ўз моҳиятига кўра тил лексикаси, грамматикаси ва прагматикаси, боғлана олишлик, идиоматика, этимология ва бошқаларнинг семантик тахлилдир. Тилдаги ҳодисалар ва улар маъносини ажратиб кўрсатиш, қиёслаш ва баён этишга, шунингдек яхлит образлар-концептлар ва улар англатадиган тасаввурларни қайта тиклашга имкон берадиган концептуал тахлилнинг асосий воситаси бўлиб ҳисобланади. Демак, концептуал тахлил лингвистиканинг нафақат алоҳида, янги йўналиши бўлиб, балки янада кўпроқ: лингвистиканинг ўзининг принципиал жиҳатдан янгича ривожланиш даражаси бўлиб, бунинг моҳияти –

²⁸ Воркачев С.Г. Лингвокультурология. языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании Текст. Филологические науки. 2001. - № 1. – С. 70

²⁹ Ветров С.А. Мифотворчество в процессе институциональных трансформаций культуры // Научно-методический электронный журнал «Концепт». – № 2 (февраль), 2013. – С. 42.

³⁰ Колшанский, Г. В. Объективная картина мира в познании и языке. Москва, Наука 1990. – С.16.

семантик таҳлилдан, тилдан нафақат тилнинг ўзи, шу билан бирга унинг эгаси, унинг ички олами ва маданияти ҳақидаги жиддий маълумотларни чиқариб олиш учун ҳам фойдаланишдан иборатдир³¹.

Концептуал таҳлил – бу тадқиқотчининг концепт номи бўлган белги билан ушбу белги орқали ифодаланадиган моҳиятлар (ходисалар) ўртасидаги алоқаларни белгилаши бўлиб, шу жараёнда концепт ҳосил бўладики, у таҳлилдан кўра кўпроқ синтезга ўхшаб кетади. Масалан, ЮРАК концепти билан ишлашда юракнинг тош сифатида концептуаллаштирилишини изоҳлашнинг ўзи етарли бўлади: “классик” маънодаги тош – ушлаб кўрганда каттик, совуқ бўлади, – тошнинг физик хоссалари одамнинг шахсий хусусиятларига мувофиқ келади: *тошюрак одам* – бу бераҳм ва шафқатсиз кишидир. Албатта, биз ўзимизнинг тилдаги тажрибамизга асосланиб, ЮРАК – ТОШ истиорасини изоҳлаб беришимиз мумкин ва лекин нутқда бунга ўхшаш ибораларни ишлатишда уларнинг истиора сифат эканлиги хусусида кўп ҳам бош қотирмаймиз³². Бирок, масалан, *hearts* – қарта ранги (ўзбекчадаги “таппон”) сўзи (ибораси) билан ишлаш унчалик силлиқ кечмайди ва нима учун *таппон* қарталарда юрак тасвирланишини изоҳлаш учун тегишли тажриба ва, демак, тарихий манбаларга ҳамда, биринчи навбатда, этимологик лугатларга мурожаат этиш керак бўлади: бундай лугатлар коғоз ва тилла червонлар орқали ўрта асрлардаги олтин сифатини оловда текшириб кўришга оид услубларга олиб боради.

Шундай қилиб, биз концептуал таҳлил жараёнида билиб оладиган нарсалар тайёр ҳолида турган жойдан олинмайди, балки тажриба орттириш ва каузал алоқаларни ўрнатиш жараёнида яратилади. Концептуал таҳлил, бинобарин, белги талқинларини ҳосил қиладиган механизмларни изоҳлашдан иборат бўлади, уларнинг вариантлари соҳаси концептни ташкил этади. Тадқиқ қилинаётган лексеманинг лугавий дефинициялари таҳлили концептуал таҳлилнинг анъанавий негизи, бўлиб ҳисобланади. Ўзбек тилидаги *юрак*, инглиз тилидаги *heart* сўзларининг лугавий дефинициялари ва этимологиясини таҳлил қилишга доир маълумотлар тегишли концептнинг манзараси, чизмасини олдиндан тузиб чиқишга имкон беради.

Одамнинг ичида жой олган субстанциялар орасида *жон*, *руҳ*, *виждон* алоҳида ўрин тутаяди. Нафас олиш тарзидаги жон ҳақидаги қадимий тасаввурлар ҳосил бўлишида ўлик мавжудотда йўқолиб кетадиган, фақат тирик мавжудотга хос бўлган нафас олишнинг кузатилиши муҳим аҳамият касб этган. Худди шундай қон на кўп миқдордаги қон йўқотилганида жон чиқиши устидаги кузатувлар ҳам қонда жон тимсолини кўришга олиб келган.

Диний нуктаи назардан олганда, жон одамни ташқи дунё билан боғлаб туради, шунинг учун инсоннинг ўзини-ўзи такомиллаштиришга доир фаолияти катта аҳамият касб этади.

³¹Рябцева М.А. Концептосфера английской лингвокультуры УСАДЪБА в динамическом аспекте// Филология и человек. – Барнаул. 2013. –С. 62.

³²Lakoff G., & Johnson M. Johnson. Metaphors. – Chicago: University of Chicago Press. 1980. – P.76.

Е.В.Урысон жонни одамнинг кўзига кўринмас органи сифатида, кўриб чикади³³.

“Жон” концепти ўзбек тилида жон сўзи билан берилади ва моддий негиз жисмоний ҳаётийлик асосини ифодалайди. Дунёнинг тилдаги содда тасвирига биноан, жон абадий ва уни йўқотиб бўлмайди. Айнан шу жон мавжудодлиги тирикни ўликдан ажратиб: *жонини олиш* – ўлдириш, *жон бермоқ* – ўлмоқ, жон чиқармоқ; *жон олиш ва жон бериш* – ҳаёт-мамот ораси ёки очин-тўқин яшамок; *жон сақлаш* – яшаш, тирик бўлмоқ; *жондан бешиш, жондан тўймоқ* – яшашдан чарчаган, бутун умидлари пучга чиккан ва ўлимини кутаётган одам ҳолати ҳақида.

Жон сўзи кўпинча энг яқин, қадрдон, суюкли кишига нисбатан, одатда, эгалик кўшимчаси билан мурожаат этиш учун ҳам ишлатилади: *жоним, жонимнинг бир бўлаги; жон йўлдошим* – яқин дўст ёки севимли ёр ҳақида; *жон дўстим* – қадрдон дўст; *жондан ҳам суюкли* – севимли ёр ҳақида: *Болани устирамиз, жоним деймиз, лекин бир куни у билан видолашишга тўғри келади* (қиёсланг: *Жоним менинг!*).

*Well said, my hearts!-You are a princox, go*³⁴.

Жон – инсоннинг бевосита физиологик жиҳати билан боглиқ бўлмаган ички ҳаёт органи. Одамнинг ички олами, ҳис-туйгулари ва кечинмалари, ўй-фикрлари, ниятлари у билан боглиқ: *жон киритмоқ* – ишонч, куч-қувват багишламоқ, бирон нарсага илҳомлантириш. Бироқ физиологик ҳолатдаги сингари маънавий очликни ҳам бошдан кечириш мумкин: *маънавий озуқа; кулоққа лагмон осма – бекорга хавотир олма.*

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, ўзбек тилида кўплаб фразеологик бирликлар *жон* компонентига эга.

Европа тилларида *жон* концепти қасамёд қилишда ишлатилади: инг. *upon my soul* – Қасамёд қиламан!

Ўзбек тилида одамнинг ботиний, маънавий оламини ифодалаш учун алоҳида лексема – *кўнгил* ишлатилади. У диний мазмунга эга эмас, тана ҳаёти билан боглиқ эмас, организмнинг ҳаётий фаолиятини кўллаб турмайди. Ушбу концепт, шубҳасиз, эквивалентсиз лексика соҳасига киради ва бошқа тилларга анча шартли равишда *жон* ёки *юрак* деб таржима қилиниши мумкин.

Шуни қайд қилиш керакки, лексема *кўнгил* нутқда жуда кўп ишлатилади, бу дунёнинг ўзбек тилидаги манзарасида гоят муҳимлигидан далолат беради. Бу яна *кўнгил* компонентига эга барқарор ибораларнинг ниҳоятда кўплиги билан ҳам тасдиқланади.

Кўнгил концепти инсоннинг физиологик ҳолатини етказиш учун кўлланилади: беҳузурлик хисси. Дунё содда манзарасининг яхлит туси, синкретизми шу тахлитда намоён бўлади.

*Биздан қандай мулла чиқсин, отахон, кўнгил могорлаб бўлган*³⁵.

³³Урысон Е.В. Проблемы исследования языковой картины мира: Аналогия в семантике. – Москва: Языки славянской культуры, 2003. – С. 224.

³⁴Shakespeare, William, 1564-1616. Romeo and Juliet. Edited by John Crowther. –New-York: 2003. – P. 90

³⁵Ҳамдам У. Исён ва итоат. Роман.–Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – Б.30-32.

Унда турли хил ўзгаришлар юз бериши мумкин: яраланиш: *кўнгил* синиши ҳам мумкин: совиши, бошқа нарсага айланиб қолиши ҳам мумкин. Ундан ўй-фикрлар ёки хотиралар ўрин олиши мумкин.

*Oh, my heart is breaking. Oh, my bankrupt heart is breaking*³⁶.

Дунёнинг тилдаги оддий манзарасига мувофиқ, *кўнгил* - бу нафакат номоддий, маънавий ҳосила, бу бутунлай моддий, ҳатто номоддий, идеал, маънавий омилларнинг физик параметрлари ва тавсифномалари мажмуидир.

Кўриб чиқилган ҳар иккала концепт *кўнгил* ва *жон* жонли сўзлашув тилида ва ҳар хил бадий асарлар тилида фаол ишлатилади. Айрим контекстларда улар ўзаро бир-бирини алмашмайди, синонимлашади, ушбу ҳар иккала сўз инсоннинг ҳис-туйғулари ва кечинмалари, эмоционал оламига бевосита уйғунлашиб кетиши сабабли ҳам шундай бўлади. Ушбу концептларнинг мазмуний томони биринчи навбатда юксак ҳиссий, номоддий моҳиятлар дунёсига тааллуқлидир. Бироқ, сўзларнинг қўшилиб ишлатилиши мумкинлиги шуни кўрсатадики, улар яна тўлиқ моддий сифатларга ҳам эга бўлиши мумкин. Бунда *жон* – бу кўпроқ субстанция бўлиб, *кўнгил* – топосдир.

Айнан шу орган сифатидаги *юрак*нинг фавқулодда муҳим роли унинг дунёнинг тилдаги манзарасида инсоннинг жисмоний ва маънавий турмуши мажмуи, ҳис-туйғулар ва кечинмалар манбаи ва макони сифатида идрок этилишига олиб келади.

Бу сўзнинг бевосита маъноси – тана бўйлаб қонни ҳайдайдиган органдир: *юрак иши, юрак уриши*. Масалан: *Менинг юрагимнинг дуқиллаши бутун уй бўйлаб эшитиларди; Мен унинг ёнига борганимда юрагим шундай ура бошладики, бутун вужудим титраб кетди*.

Бу сўз шунингдек, кўкрак кафасининг юрак жойлашган чап томони билан ҳам қиёс берилади: *Мана, агар ишонмасанг, юрагимни ушлаб кўр, у худди балиқ каби титирчилаяпти*³⁷.

*Put your hand on your heart and listen to my advice*³⁸.

Қайд қилишларича, дунёнинг ўзбек тилидаги содда манзарасида “юрак – яхши ҳис-туйғулар пинҳон бўлган органдир”. – Бу сўзнинг ўзбек тилидаги кўчма маъноси ҳам инсоннинг ҳис-туйғулари ва кечинмалари билан боғлиқ. Бу мусика – халқ қалбининг оҳанглари дир. Табиийки, юрак – муҳаббат тимсоли.

*Гулчехра кимни севади? Унинг юраги кимга боғланган?*³⁹

*Not I, unless the breath of heartsick groans*⁴⁰

Юрак – бу ниманингдир марказий қисми, ўзаги. Уруш бошланиши ҳамон душман мамлакат юраги томон босиб келди. Инглизча: Африканинг марказий қисмида: *in the heart of the country* – мамлакат юрагида: мамлакатнинг маркази – энг муҳим қисми.

Юрак кучли ҳис-туйғулари қандайдир фавқулодда ҳодисалар таъсирида энг кутилмаган жойларга бориб қолиш мумкин сўз, юрагим чиқаёзди – кучли

³⁶Shakespeare, William, 1564-1616. *Romeo and Juliet*. Edited by John Crowther. –New-York: 2003. – P. 159

³⁷Ҳамдам У. Исён ва итоат //Роман.–Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – Б. 140.

³⁸Shakespeare, William, 1564-1616. *Romeo and Juliet*. Edited by John Crowther. – New-York: 2003. – P.203

³⁹Ҳамдам У. Исён ва итоат //Роман.–Тошкент: Янги аср авлоди. – 2003.– Б. 12.

⁴⁰Shakespeare, William, 1564-1616. *Romeo and Juliet*. Edited by John Crowther. – New-York: 2003.– P. 203.

хислар таъсирида-юракнинг дукиллаб уриши (кўркув ёки хурсандчилик); юрагини кўлида ховучлаб турмоқ – кучли кўркув ҳақида; жони чиқиб кетмоқ – қаттиқ кўркув ҳақида. *Қизнинг юраги чиқиб кетди*. Юрагим бугзимга тикилди – қаттиқ кўркув хис этмоқ. *Усмоннинг қалбоғи тушиб кетди - юраги бугзига тикилди*⁴¹.

*Oh, my heart is breaking. Oh, my bankrupt heart is breaking*⁴².

Таҳлилдан ўтказилган ушбу барча учта концепт ҳам хис-туйгулар олами билан бевосита боғлиқ, уларнинг ҳаммаси индивидуал табиатга эга, яъни ҳар бир одамнинг алоҳида, бир-биридан фарқ қиладиган ўз юраги (*юрак*), ўз қалби (*жони*), ўз *кўнгли* бор. Дардли хисларни сезиш қобилияти жон билан юракни яқинлаштиради.

Таҳлил қилинаётган ҳар иккала тилдаги семантик фразеологизмларнинг образли негизига кўра кўпроқ ўхшаш бўлишлиги одамларга хос асосий ҳиссиётларнинг умуминсоний тусга эгаллиги билан боғлиқдир. Турли тиллардаги умумий образли гояга асосланган ва айнан ўхшаш тушунчаларни ифодаладиган фразеологизмлар образларининг бир-бирига мос келмаслиги фразеологик образ таркибидаги инглиз тилида гаплашувчиларнинг маданий анъаналари контекстида англаб олинандиган дунёқараши ва оламни идрок этишларини акс эттирадиган истиораларнинг миллий жиҳатдан индивидуаллиги билан изоҳланади.

Ҳис-туйгуларнинг идрок этишлар ва сезишларга асосланган энг оддий психик жараёнлар шаклида эмас, балки, масалан, бахт-саодат, меҳр-муҳаббат каби қандайдир ментал, маданий жиҳатдан эга маҳсуллардан иборат бўладиган бошқа синфи бирмунча ўзгачароқ нуктаи назардан кўриб чиқилади. Бундай ҳиссиётлар ижтимоийлашган туйгулар тоифасига киради ва кўпинча онтологик истиоралар ёрдамида ифодаланади. Масалан, дунёнинг қиёс қилинаётган тилларда акс этадиган манзараларида юрак (*heart*) сўзи ишқ-муҳаббат рамзи бўлади. Инглиз тилларида сўзлашувчилар юракни эгаллаш ёки ютиб олиш (*to gain one's heart*), ўгирлаш (*to steal one's heart*), йўқотиб қўйиш (*to lose one's heart to smb.*) мумкин бўлган қимматбаҳо нарсага қиёслашади.

Кўриб турганимиздек, ўзбек тили ушбу тил эгаси бўлган халқнинг юксак даражадаги эмоционаллиги, сентименталлигидан далолат беради, бу инсон ҳиссий олами билан боғлиқ алоҳида концептлар амал қилишини кўрсатади. Миллий характер, нисбатан доимий кўрсаткич бўлгани ҳолда у шахс доирасида сон-саноксиз вариантларга эга бўлиши мумкин, кўриб чиқилган концептлар шуни қабиларни ифодалайди.

Диссертациянинг **“Инглиз ва ўзбек тилларида “heart”/“юрак” концептининг лисоний-маданий жиҳатларининг контекстуал воқеланиши”** деб номланган учинчи бобида ОЛТда “heart”/“юрак” концептининг лингвокультурологик таҳлили ифодаланган.

Культурологик нуктаи назардан концепт маданият образидан маданият гоялари ҳақидаги тушунчага ўтиш сифатида намоён бўлади; типологик

⁴¹ Кодирий.А. Меҳробдан чаён. -Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1994. –Б.57

⁴² Shakespeare, William. 1564-1616. *Romeo and Juliet*. Edited by John Crowther. – New-York: 2003. – P. 159.

асосларга қўрилган бу концепция концепт муаммосини миллий гоёни амалга ошириш шакли сифатида ҳал қилади.

Мазкур тадқиқот объекти “етакчи” концептлардан бири “юрак” концепти бўлиб, у дунёнинг икки лисоний тасвирида: инглиз ва ўзбек тилларида ўрганилади.

Маълумки, айнан юрак – инсон организмнинг маркази, айнан у ҳаётини қувват манбааси ҳисобланади, агар юрак ўлса – инсон ҳам ўлади.

Замонавий тилларда “юрак”ка асосан инсон маънавий ҳаётининг маркази бўлган ҳис-туйғу омбори аъзоси сифатида қаралади.

В.Н.Телия қайд қилганидек, маданиятнинг бундай базавий концептлари доим бир номли лисоний моҳиятнинг концептуал мазмунига нисбатан кенгрокдир: уларни англаш “роль тушунчаси” билан изоҳланувчи турли номли бирламчи ёки иккиламчи (шунингдек, фразеологизмлар билан ҳам) ташкил қилинувчи бутун идеографик (ёки мавзуий) майдон бўйлаб гўёки “чўзилади”⁴³.

“Heart”/“юрак” концептининг лингвокультурологик таҳлили мазкур ишда бизни фақатгина тилнинг фразеологик таркиби доираларидан четга чиқаради. Концепт тушунчасининг аҳамияти шундаки, концепт умумий семантик корреляциялар асосидан иборат. У алоҳида контекстлар билан чекланиши керак эмас.

Юракнинг муҳимлиги уни инсон маънавий ҳаётининг марказига, туйғулар, кайфиятлар, фикрлар, ирода, диний эътиқодлар омборига айлантиради.

Ҳар иккала ОЛТ “heart”/“юрак” энг аввало ҳис-туйғулар рамзи ва омбори ҳисобланади. Базавий туйғуларга “қўрқув”, “қаҳр”, “қувонч-лаззат”, “дард”, “қайғу” киради.

I. “Қўрқув” маъноли семантик гуруҳ:

- саросимага тушиш, ўз-ўзи устидан назоратни йўқотиш; қўрқув, даҳшат;

One's heart leaped into one's mouth (or throat) – қўрқиш, жуда қўрқиш; юраги товонига тушиб кетди;

Heart leap out of his mouth, шунингдек, make somebody's heart leap out of his mouth – ўта қўрқиб кетиш; юраги товонига тушиб кетди (айн.: юраги ҳалқумидан чиқиб кетди).

*“I mean it”, Sally stuck to her guns through her heart sank, “I won't have his sort of business transacted in my house”*⁴⁴ – Мен айнан шуни айтмоқчиман, гарчи Саллининг юраги товонига тушиб кетган бўлса-да (айн.: юрак тушди), лекин Салли қатъий турарди. – Мен бунга ўхшаш ишлар менинг уйимда содир этилишига чидаммайман.

Натижалар эса инглиз тилидаги матнларда қўрқув “юрак” ҳаракатлари каузатори ҳисобланади- у қўрқувдан “сақрайди”.

Юраг(и) чиқиб кетди кимнинг – юрагини чиқариб юбормоқ-жим кимнинг. Бир лаҳзада кучли ҳаяжонланиш билан қаттиқ қўрқиб кетмоқ

⁴³Телия В.Н. Типы языковых значений. Связанное значение слова в языке. – Москва: Наука, 1981. –С. 269.

⁴⁴Prichard K.S. The Golden miles // K.S. Prichard. Selected. N.Y., New American Library, 1989. – P. 476.

I. “Қахр” маъноли семантик гуруҳ:

Ўзбек тилида юрак концептининг лугавий маъноларидан бири-кўчма-жахл, газабланиш: *юракдан-жахл* устида; *юрак билан-қахрда*, жажли чиққан ҳолда:

Ўзбек тилида “юрак” компоненти бевосита “қахр” концепти тузилишига киради: Газабланиш, аччиқланиш, қахри келмоқ;

II. “Дард”, “қайғу” маъноли семантик кичик гуруҳ:

Ўзбек тилида: -қайғу, дард, алам; *юрак ёриламани дейди*, *юрак қон бўлди*; қайгуриш (айн.: юрагига яқин олиш); кимнидир хафа қилиш (айн.: юрагини сиқиш);

Инглиз тилида:

heart-ache-чуқур қайғу (heart дан “юрак” ва ache “огрик”); *heart-break*-дард, қайғу (heart дан “юрак” ва break “синдириш”); *one’s heart is broken*-юрак синган; дард ўлган; *one’s heart is breaking*-юрак ёрилмоқда;

cry (weep) one’s heart out- аччиқ йиглаш; ҳамма ўз дардида йиглаш (айн.: бутун юракдан йиглаш);

*You’re very kind; I shall need a friend now. I am alone now, quite alone, and my heart is broken*⁴⁵ - *Сиз менга жуда меҳрибонсиз; мен ҳозир дўстга муҳтожман. Мен ёлғизман, ва менинг юрагим синган.*

III. “Қувонч”- “лаззат” маъноли семантик гуруҳ

Ўзбек тилида:

- шодлик, яхши кайфият; қувонч; хурсанд бўлиш; ич-ичидан севиниш (айн.: *юрак қувнамоқда*):

“Қувонч”нинг “юрак”ка таъсири инглиз тилли дунё тасвирига мутаносиб:

with a light heart- энгил кўнгил билан

it’s a sad heart that never rejoices- қувонч бўлмаган юракка ачиниш керак;

a light heart- хотиржамлик, шодлик (айн.: *енгил юрак*).

IV. “Хавотир” маъноли семантик гуруҳ

- хавотир олиш, ташвишли ҳолат; кечинма; таҳликали, ташвишли; *юраги сиқилди*; *юрак ўртаяпти* (айн.: *юрак айлантормоқда*).

- Ўзбек тилида “хавотир”дан:

юрак (кўнгил) жойида эмас – кимдир ташвишланган, ўзини жуда нотинч сезяпти; *юрагида жаҳаннам* – кимгадир жуда огир;

юракдан қайғурадилар (кўнгилдан) – ташвиш, нотинчлик ҳис қилмоқ; *юрак жойида эмас*- (ҳаяжон, хавотирдан). *Кўнгл(и) гаши бўлди* кимнинг [нимадан] - *юраг(и) гаши бўлди*. Синоними: кўнгл(и) хира бўлди. Ўхшаши: таъб(и) хира бўлди- таъб(и)ни хира қилмоқ.

Инглиз тилида:

Devour one’s heart (eat one’s heart out ёки eat out one’s heart) - ўзини қийнаш, жим азобланиш, сўлиш, согинчдан инграш (айн.: юракни қийнаш, азоблаш).

⁴⁵Henry Rider Haggard. Stella Fregelius: A Tale of Three Destinies. Longmans. Green. and Company. 1903. – P. 361.

Кўринадик, “хавотир”нинг таъсири “юрак”ка “дард” ёки “гам” таъсиридек жуда ҳалокатли эмас. Ваҳоланки, “хавотир” уни асл шаклини ўзгартиради, уни “сиқади”, “кемиради”, унга тинчлик бермайди.

Инглиз тилида “хавотир” юракни “ёб қўяди”.

V. “Шубҳа” маъноли семантик гуруҳ

- шубҳа, “заҳар”, “заккум”

“Шубҳа” “юрак”ни заҳарлайди, уни кучсизлантиради. Бошқа тилларда “юрак” концептининг “шубҳа” маъносини билдирувчи томонлари кузатилмаган.

VI. “Тинчланиш”, “енгил тортиш” маъноли семантик гуруҳ

- тинчланиш; юракни кўндириш, тинчлантириш; эркин нафас олиш, юракдан кетди (айн.: *юрагига шабада тегди*);

Бегона қўллар- қўлларга ором, лекин юракка эмас.

Инглиз тилда тинчланиш юракка шунга ўхшаш ҳолатда таъсир кўрсатади:

Set one’s heart at rest- тинчланиш, ҳаяжонланмаслик, хавотир олмаслик (айн.: юракни оромга бериш).

VII. “Шафқат” маъноли семантик гуруҳ

Ўзбек тилида “юрак”, “шафқат” концепти таркибига киради:

- раҳм, марҳамат; шафқат; кимнидир чин юракдан аяш; *юрак симилляпти* (юрак ким учундир огрияпти); кимгадир ачиниш.

“Шафқат” кўп куч олади, у юракни “қуритади”, уни оғришга мажбур қилади. Гўёки одам бировнинг дардини олади. Раҳмдил бўлиш - огир “юк”.

VIII. “Туйғу” маъноли семантик гуруҳ

Ўзбек тилида “туйғу” концептининг ўзи “юрак” компонентига эга:

1) туйғу;

2) севги;

Бунда туйғулар турли хил табиатга эга бўлиши мумкин, ҳар бир сўз ўз маъносига эга: - ҳис, севги;- кўнгилда сир тутилган туйғу, орзу; муҳаббат, яъни алоҳида, эҳтиёткорона муҳаббатни талаб қилувчи нисбатан кенг, нозик қатлам.

